Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · "Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensi... DOI: 10.5281/zenodo.24316404

II SHO'BA - HUDUDLARNING TABIIY-IQLIM SHAROITI. MEHNAT RESURSLARINI HAMDA NISBIY USTUNLIKLARINI INOBATGA OLGAN HOLDA IJTIMOIY-IQTSODIY RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАР САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Салиев Боходир Комилович
ТДИУ, и.ф.н, доцент

Аннотация: *Мақолада миллиймизни иқтисодий ўсишининг барқарорлигини таъминловчи ва унга таъсир этувчи турли омилларни ҳисобга олувчи эконометрик моделини такомиллаштиришга ҳаракат қилинган.*

Калит сўзлар*: иқтисодий ўсиш, омил, инвестиция, эконометрик модел, капитал қайтими,*

Мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётининг ҳар бир босқичида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш унинг асосий устивор йўналишларидан бири қилиб белгилаб келинади. Бу эса иқтисодиётимизнинг барча соҳаларини мутоносиб ривожлантириш ва ишлаб чиқарувчи кучлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Бу масалани ҳал қилиш, бир томондан унинг манбаларини чуқур, атрофлича ўрганишни, иккинчи томондан, эса унинг даражасига таъсир кўрсатувчи жуда кўп турдаги объектив ва суъектив омилларни ҳисобга олишни таказо килади.

Миллий иқтисодиётимиз ривожланиш даражасидаги ўзгаришларни, уларнинг келтириб чиқарувчи (объектив ва субъектив) сабабларни ўрганиш, улар орасидаги ўзоро боғлиқликларни аниқлаш ва ўлчашда, ҳамда самарадорлик даражасини баҳолашда эконометрик моделлардан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди. Эконометрик моделлардан фойдаланиш, оддий ананавий усуллардан фойдаланишга нисбатан афзаллиги, унинг ёрдамида кўплаб омилларни таъсирини ўлчаш ва баҳолаш имконияти катталигидир.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш сабабларини ўрганиш, уларни баҳолаш ҳамда унинг истиқболини белгилаш масаласида қатор тадқиқотлар ўтказилган ва ўтказилаётган бўлсада, бу масала кун тартибида турган энг асосий, долзарб масалалардан бири сифатида қолиб келмокда. Чунки, иқтисодий ўсиш масаласи жуда кўп қиррали бўлиб, унинг барча томонларини тўла ҳисобга олиш имконияти чегаралангандир.

Ўрни келганда шуни алоҳида такидлаш лозимки, миллий иқтисодиётнинг ўсиш масалаларига бағишланган қатор тадқиқотлар ўтказилган ва турли моделлар тавсия қилинган бўлсада, ушбу тадқиқотларда иқтисодий ўсишни таъминловчи омилларнинг ўзоро боғлиқ ҳолда ўрганиш ва уларни ролига умумий ҳолда баҳолашга кам эътибор қаратилган.Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инвестицияларниг миллий ва хорижий секторлар бўйича тақсимоти ва иқтисодий ўсишдаги улуши масаласи;

Published: 17.05.2024

Cite this article: Салиев Боходир Комилович (2024). Иқтисодий ўсиш омиллари ва улар самарадорлиги таҳлили. Emro Science and Education, 1(3). https://doi.org/10.5281/zenodo.24316404

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

•инвестицияларни ўсиши натижасида меҳнат унумдорлиги ошиши ва меҳнат бандлиги даражасини ўзгариши масаласи;

•миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига истеъмол ва жамғарма, капитал ва меҳнат омилларини, миллий ва хорижий инвестицияларни комплекс баҳолаш.

Ушбу вазиятларни ҳисобга олиб биз миллий иқтисодиётимизни барқарор ўсишини таъминловчи омилларни эконометрик моделини такомиллаштиришга ҳаракат қилдик. Иқтисодиётга таъсир этувчи омилларни ҳар томонлама асослаш, унинг миқдорий жиҳатдан ифодаловчи қийматларни аниқлаш ҳамда уни бошқа омиллар таъсиридан ажратиб олиш (элиминатсия жараёни) эконометрик моделларни тузиш ва уларни такомиллаштиришнинг энг мураккаб босқичи ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни ўсишини таъминловчи эконометрик моделларни тузиш ва такомиллаштиришда биз асосий эътиборни қуйидагиларга қаратдик:

биринчидан, мавжуд эконометрик моделларнинг ҳусусиятини ўзгартирмаган ҳолда секторлар, миллий иқтисодиёт бўйича таҳлил қилиш учун мослаштиришга;

иккинчидан, инвестиция омилини секторлар бўйича иқтисодий ўсишдаги улушига капитал қайтими таъсирини аниқлашга ва

учинчидан, меҳнат унумдорлигини ўстиришда хорижий инвестициялар хажмини ошиб бориши таъсирини аниқлашга хакракат килдик.

Иқтисодий ўсиш омиллари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун қуйидаги эконометрик моделлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1) иқтисодий ўсишнинг эришилган даражасига янгидан киритилаётган инвестициянинг солмоғи ва самарадорлиги таъсирини аниқлаш учун қуйидаги моделдан фойдаланиш мумкин:

$$Y = [(s(1-r)) * (1-n)A^*] + [(s(1-r)) * nB^*].$$

бу ерда, **Y**– иқтисодий ўсиш даражаси; s–ялпи жамғарма меъёри; r–оралик махсулотини ЯИМдаги улуши; n–жами инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар улуши; A^* ва $\mathbf{B}^*$ - миллий ва хорижий секторлар инвестициясини капитал кайтими.

Таклиф қилинаётган моделнинг бошқа авторлар томонидан тавсия қилинган моделлардан фарқли томони шундаки, бу ерда миллий ва хорижий секторлар инвестициясининг улиши алоҳида ҳисобга олинган.

2) тармоққа янги киритилган инвестицияни иқтисодий ўсишга қўшган улушини аниқлаш учун қуйидаги моделдан фойдаланиш мумкин:

$$y = s(1-r)[(1-n)\sum_{j=1}^{m} a_j A_j + n\sum_{j=1}^{m} b_j B_j].$$

бу ерда, A_i ва B_i–миллий ва хорижий секторларнинг j-чи тармоғини капитал қайтими; α_j ва β_j–иқтисодиётга қилинган миллий ва харижий инвестициялар таркибида j-чи тармоққа қилинган инвестицияни солмоғи; m–тармоқлар сони.

Бу ерда ҳам миллий ва хорижий инвестициялар ҳисобга олинган бўлсада, бизнинг иқтисодиётимизда хорижий инвестициянинг улуши саноат тармоғидан ташқари бошқа тармоқларда ўта кичик улушда эканлигини ҳисобга олиб, жами инвестицияни тармоқларда миллий деб белгилаб оламиз, у ҳолда формулани кўриниши

$$y = s(1-r)\sum_{j=1}^{m} a_j A_j$$

кўринишга келади.

3) капитал қайтими ва инвестициялар солмоғини ҳисобга олган ҳолада иқтисодий ўсиш истиқболини белгилаш учун қуйидаги эконометрик моделдан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$Y_F = Y_S + S(1-r)(A^* - B^*)((1-n)_F - (1-n)_S),$$

Юқорида келтирилган эконометрик моделлар миллий иқтисодиётимизни барқарор ўсишини атрофлича баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга, миллий иқтисодий тизим ҳусусиятларидан келиб чиқиб иқтисодий ўсиш омилларини самарадорлигини ошириш учун инвестиция омилининг иқтисодий ўсиш суръати асосидаги самарали кўрсаткичини ишлаб чиқиш ва бандлик даражасини ўстириш учун зарурий капитал омилининг ўсиш суръатини ўзгариш кўрсаткичини ҳисоблаб топиш учун ҳам имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мадраҳимов У.А. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертатсия автореферати. – Т., 2017

2. Мадрахимов У.А., Салиев Б.К. Вопросы совершенствования моделирования факторов экономического роста. Международная конференция РНХА.Т., 2007

3. Solow, Robert M. A Contribution to the Theory of Economic Growth. // Quarterly Journal of Economics 70 (February), 1956

КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЎРНИ ВА РОЛИ

Сатвалдиев Азизжон Аҳмаджонович,
ТДИУ, Андижон факультети Маънавият ва ёшлар ишлари бўйича декан ўринбосари психология фанлари фалсафа доктори(PhD) доцент,

Кичик оилавий бизнес- тадбиркорлик фаолиятининг дунёда энг кенг тарқалган ва кўп асрлик анъаналарга таянувчи шаклидир. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда оилавий фирмалар, жамият фаровонлиги ва ривожланишининг асосини ташкил қилади, ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг каттагина қисми